

“Ўзбек геология қидирув” АЖ
ягона акциядорининг
2022 йил 28 апрелдаги
6-сонли қарорига

3-ИЛОВА



“Ўзбек геология қидирув” АЖ
ягона акциядорининг
2022 йил 28 апрелдаги
6-сон қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти (кейинчалик – Жамият) ижро этувчи органининг (Ижроия органи) ҳуқуқий мақомини, фаолият тартибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек Ижроия органи томонидан қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.

Жамиятнинг Ижроия органи деганда коллегиял асосда бошчилик қилувчи – Бошқарув тушунилади. Агар жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартлари Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.2. Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Жамиятнинг Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик коллегиял Бошқарув органи – Бошқарув томонидан амалга оширилади.

Бошқаруви 6 (олти) кишидан иборат бўлиб, уч йил муддатга сайланадилар (тайинланадилар). Бошқарув раиси сурункасига икки муддатдан ортиқ Бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас.

2.2. Бошқарув раиси акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан, Бошқарув раиси ўринбосарлари Кузатув кенгаши томонидан сайланадилар (тайинланадилар).

Жамият Бошқарув раиси, унинг ўринбосарлари ва аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади. Бунда Жамиятнинг Бошқарув лавозимларига камида 3 нафар малакали хорижий мутахассислар жалб қилинади.

2.3. Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

2.4. Жамият Бошқаруви 6 кишидан иборат бўлиб, Жамият кузатув кенгаши томонидан Жамият бошқарув раиси ўринбосарлари, таркибий тузилмалари ва ходимлари ичидан шакллантирилади.

III. БОШҚАРУВ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Жамият Бошқарувининг ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.3. Жамиятнинг Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини таъминлайди.

3.4. Жамият Бошқаруви раисининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалаш;
- Жамият номидан ишончномаларни бериш;
- ўз ваколатлари доирасида, Жамият номидан битимлар тузиш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси штатларини тасдиқлаш ва унинг раҳбарини тайинлаш;

- Жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар қабул қилиш ва кўрсатмалар бериш;

- Жамият Кузатув кенгаши йиғилишларида иштирок этиш;

- банкларда ҳисоб рақамлар (миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамлар) очиш;

- Жамиятнинг банк ва бошқа молия ҳужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлиш;

- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

Жамият Бошқаруви раиси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг устави ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.5. Жамият Бошқарувининг ваколатлари (ҳуқуқлари) ва мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг ваколатига киритилган ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш бундан мустасно;

- ваколатхоналар ва филиаллар учун мажбурий бўлган Жамият Бошқарувининг қарорларини қабул қилиш;

- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқиш, уларни бажарилишини назорат қилиш;

- Жамиятнинг ваколатли Бошқарув органи томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши ва ишончлилигини, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг ягона акциядори, Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ва Жамият аудитори талабига кўра тўсқинликсиз тақдим этиш;

- Жамият мулкини бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, Жамият устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда Жамият кузатув кенгаши билан келишилгандан кейин тузиш;

- қиймати 100 млн.сўмгача бўлган ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тўғрисида қарорларни, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда қабул қилиш. Бунда ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар улар бизнес-режасининг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда амалга оширилади;

- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш;

- дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

- ҳар қандай битим тузилишида ёки Жамиятга бевосита тегишли ҳар қандай масалада муҳим манфаатдорлиги (тўғридан тўғри, билвосита ёки учинчи шахслар номидан) тўғрисидаги маълумотларни Жамият Кузатув кенгашига етказиш;

- Жамиятнинг репутация рискларини бошқариш;

- Жамиятнинг Бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, мазкур устав ва Жамиятнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар (ҳуқуқлар) ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.6. Бошқарув раиси ва унинг аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим. Улар қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият ва унинг акциядорлари олдида жавобгардир.

IV. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

4.1. Жамият Бошқаруви мажлислари зарур ҳолларда ўтказилади.

4.2. Жамият Бошқаруви мажлислари қворуми 75 фоиз бўлиб, мажлисларни Бошқарув раиси ёки кўриб чиқиладиган масалаларнинг тегишлилигича унинг ўринбосарларидан бири ўтказди.

4.3. Бошқарув мажлислари баённомалари Жамият Бошқаруви котиби томонидан юритилади.

4.4. Бошқарув мажлислари баённомалари:

4.4.1. Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига уларнинг талабига кўра;

4.4.2. амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар ва органларга (шу жумладан давлат органларига) тақдим этилади.

V. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРЛИГИ

5.1. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим. Бошқарув раиси ва унинг аъзоларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида Жамият манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиар жавобгарлигини улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўзда тутилади.

5.2. Жамият Бошқарув аъзоси ўз иш фаолияти даврида Жамиятнинг маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Бошқарув аъзоси Жамиятда лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида Жамият кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

5.3. Бошқарув аъзоси Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

Жамият Бошқарув аъзоси аффилланганлиги Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 9-бобининг талабларига мувофиқ аниқланади.

5.4. Жамият Бошқарув аъзоси ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида унга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Жамият уставига ва мазкур Низомга мувофиқ етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмда Жамият олдида жавобгардир.

5.5. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Бошқарув аъзолари жавобгар бўлмайди.

5.6. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамият Бошқарув аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Мазкур Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган кундан этиборан кучга киради.

6.2. Агар мазкур Низомни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тугатиш учун сабаб бўлмайди.

6.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёхуд Жамият уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият устави қоидалари қўлланилади.

6.4. Мазкур Низом кучга кирган кундан бошлаб, аввал акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган Жамият “Ижроия органи тўғрисида”ги низом ва унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.